

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВ ЛУКМОН НАРЗУЛЛАЕВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИДА ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ
МАДАНИЯТИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ - ИННОВАЦИОН
СОЦИОМАДАНИЙ ФЕНОМЕН СИФАТИДА**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Джураев Лукмон Нарзуллаевич

Замонавий Ўзбекистон жамиятида ёшлар иқтисодий маданиятини
трансформациялашуви – инновацион социомаданий феномен сифатида 3

Джураев Лукмон Нарзуллаевич

Инновация как социокультурный феномен в трансформации экономической
культуры молодежи в современном обществе Узбекистана..... 35

Djuraev Lukmon Narzullaevich

Transformation of economic culture of youth in modern society of Uzbekistan - as
an innovative socio-cultural phenomenon 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 72

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВ ЛУКМОН НАРЗУЛЛАЕВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИДА ЁШЛАР ИҚТИСОДИЙ
МАДАНИЯТИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ - ИННОВАЦИОН
СОЦИОМАДАНИЙ ФЕНОМЕН СИФАТИДА**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/Fal69 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий маслаҳатчи: | Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович фалсафа фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Хажиева Мақсуда Султановна фалсафа фанлари доктори, профессор Тўйчиев Бердикул Тўрақулович фалсафа фанлари доктори, профессор Мухторов Азамат фалсафа фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Бухоро давлат университети |

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джурақулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон цивилизацияларининг ҳозирги босқичида мамлакатлар ўртасида маданиятлараро соҳасидаги муносабатлар динамикаси тобора ўзгариб бормоқда. Айниқса, маданиятлар алмашинуви кучаяётган бугунги рақобат инсон тафаккури ва геополитик таъсир учун кураш билан чамбарчас ҳолда олиб борилмоқда. Инсон тафаккури ижтимоий-сиёсий ривожланиш, виртуализация ҳамда глобаллашувнинг стратегик ресурсларини кўпайиши, ахборот ва билимга қайта йўналган жамиятнинг айрим соҳалари ва умуман янги жамият ташкил этишда кескин ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Дунёда коммуникация тизимларини такомиллаштириш, инновация деб ном олган юксак технологияли маҳсулотлар сонининг ўсиши тенденцияси ва жаҳон иқтисодиётининг жадаллашиб бораётганлиги трансмиллий компанияларнинг таъсири кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир фуқаро, айниқса ёшларда иқтисодий маданиятни юксалтириш механизмларини аниқлаш ва мавжуд муаммолар ечимини бартараф этиш усул-воситаларини ишлаб чиқиш заруриятини кун тартибига қўймоқда.

Жаҳон илм-фанида ёшлар иқтисодий маданиятини шакллантириш билан боғлиқ бўлган амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ёшлар иқтисодий онги ва маданияти уйғунлигини таминлаш, иқтисодий муаммолар глобаллашуви, ёшларнинг иқтисодий маданиятини ривожлантириш ва инновацион иқтисодиётнинг жамият фаровонлигига таъсири, ёшлар иқтисодий онги ва маданияти шаклланишининг назарий, услубий, концептуал масалалари, уларга таъсир қилувчи муҳим сиёсий омиллари ва педагогик асосларига доир илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, бугунги туб ўзгаришлар ёшларнинг иқтисодий маданиятини янада ривожлантиришни, тез ўзгариб борадиган иқтисодий шароитларга мослашиш қобилиятини шакллантиришни, иқтисодий маданиятнинг барча субъектларига реал ижтимоий-иқтисодий прогнозларни тузиш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш ва умуман жамият барқарорлигини таъминлашнинг янги усулларини фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда ёшлар сиёсати асосий устувор йўналишга айланган бўлиб, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий маданиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. “Биз ёшларимизда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантира олсак, уларга маблағлардан тўғри фойдаланишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳам хал этган бўламиз”¹. Бу вазифаларни

¹ Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакни, тадбиркор халқ – фаравон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг қафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. 2018 йил 7 декабрь. Тошкент – “Ўзбекистон” - 2019 йил 23 бет. йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. 2018 йил 7 декабрь. Тошкент – “Ўзбекистон” -2019 йил 23 бет.

амалга ошириш аввало, тобора чуқурлашиб бораётган иқтисодий ислоҳатлар натижасида янгича иқтисодий тафаккур, дунёқараш, эътиқод ва сифат жиҳатдан юқори даражадаги иқтисодий маданиятни тақоза этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ёшларнинг иқтисодий маданиятини юксалтиришнинг инновацион ечимини топиш, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонларини тадқиқ этиш ижтимоий-фалсафий тадқиқотларнинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари ва 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ-4862-сон “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага доир меъёрий ҳужжатлардаги белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Ёшларда иқтисодий маданиятни шакллантиришда меҳнат, тадбиркорлик ва ишбилармонлик маданиятининг ўзаро муносабати, иқтисодий маданиятни ривожлантириш тенденциялари ва иқтисодий маданиятнинг инновацион масалалари бўйича дунёнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Institute of Humanities and Social Sciences (Польша), London School of Economics UK, (Англия), Institute of Labor Economics, (Германия), Role in Knowledge-Based Economy and Society (Руминия), Saint Petersburg State University (Россия) ва Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университетларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Иқтисодий маданиятни ривожлантириш, иқтисодий онг ва тадбиркорлик маданиятнинг функционалиги, инсоният иқтисодий эҳтиёжлари ва амалий туризмни ривожлантириш, ёшларнинг иқтисодий фаоллиги масалалари бўйича жаҳонда амалга оширилган бир қатор илмий натижалар олинган: ёшлар иқтисодий онги ва маданиятининг уйғунлигини таъминлаш орқали

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.lse.ac.uk/>, <https://www.iza.org/>, <http://www.kiitedu.in;><http://www.ppwsz.edu.pl;> <https://www.plymouth.ac.uk;> [https://www.nih.gov/;](https://www.nih.gov/) <http://www.rd.ccu.edu.tw;><http://www.msui.e.ru/><http://vuz.edunetwork.ru> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

иктисодий фаровонликка эришиш мумкинлиги асосланган (Institute of Humanities, Social Sciences and tourism, Польша); иктисодий муаммоларни глобаллашуви натижасида инновацияни ривожланиши ва юқори технологияларнинг ўзаро таъсирлашуви аниқланган (London School of Economics UK, Англия); ёшларнинг иктисодий маданиятини ривожлантириш ва инновацион иктисодиётнинг жамият фаровонлигига таъсири асосланган (Institute of Labor Economics, Германия); иктисодиёт ва жамият талаб ва таклифлари таҳлили, ёшлар иктисодий маданиятини назарий, услубий ва концептуал масалалари, инсон капиталини баҳолаш усулларининг амалиёт намуналари аниқланган (Role in Knowledge-Based Economy and Society, Руминия); ёшларни иктисодий онгини шаклланишининг муҳим, сиёсий омиллари, педагогик асослари иктисодий маданият билан чамбарчас боғланиши ишлаб чиқилган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург университети, Россия); шахс иктисодий маданиятининг вазифалари, турли маданият шакллари билан таъсирланиш доираси асосланган (Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон).

Дунёда иктисодиёт, сиёсат ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ёшларнинг жамият иктисодий ҳаётидаги ўрни, уларнинг меҳнат ва тадбиркорликка муносабати; интеллектуал мулк ҳуқуқи, ёшларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлардаги фаолияти; иктисодий кадриятларнинг ўзгариши ва фуқаролик жамияти институтларининг ёшларга бераётган имкониятлари; жамиятда иктисодий талаб ва таклифлари таҳлили, ёшлар иктисодий маданиятини назарий, услубий ва концептуал масалалари тўғрисида солиштирма сифатли ва миқдорий маълумотларни тўплаган методологияни ишлаб чиқиш ва эмпирик тадқиқотлар ўтказиш; ёшлар иктисодий ҳуқуқларини етарлича ва аниқроқ тушунишнинг ижтимоий-фалсафий асосларини қайта кўриб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси доирасидаги ишларни комплекс таҳлил этиш натижалари шуни кўрсатдики, инновацион иктисодиёт масалаларига бағишланган ижтимоий-гуманитар илмий дискурс XX асрнинг биринчи ярмида шаклланган. Хусусан, Ғарб олимларидан Г.Тард³ инновацияларнинг ижтимоий тараққиётга таъсирини очиқ беради, Й.Шумпетер⁴ эса тарихий ёндошиб ўтмишдошларининг фикрларидан келиб чиққан ҳолда инновацияни илмий муомилага киритади. Бу яъни инновация мураккаб илмий жараён сифатида ёндошишни кучайтиради.

Инновацион масалалар хорижий илмий-иктисодий муҳитда ривожланиши давом этмоқда. Унинг вакиллари ўртасида Г.Менш⁵,

³ Габриель Тард. Социальная логика. Санкт-Петербург. 1996.

⁴ Шумпетер Й. Теория экономического развития: исследования предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры. -М, 1982.

⁵ Менш Г. Технологический пат: инновации преодолевают депрессию. Франкфурт-на-Майне, 1975.

Дж.Залтмен⁶, П.Ф.Дракер⁷, Б.Санто⁸, Б.Чакроворти⁹ кабиларни қайд этиш лозим. Ушбу тадқиқотчиларнинг ишларида инновациялар ижтимоий тараққиёт билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу тараққиёт, ўз навбатида, субъектнинг техник-технологик ўсиш имкониятлари сифатида тушунилади. Ҳозирда ҳам ҳукмронлик қилаётган инновация феноменини ўрганишнинг техник-иқтисодий парадигмаси шаклланадики, унинг доирасида инновацияни кўпинча иқтисодий фойда келтирадиган ишлаб чиқариш тузилмасида қандайдир технологик янгиликка ўхшатишади.

Шу билан бирга, кейинги йилларда рўй бераётган ижтимоий-маданий ўзгаришлар ва ушбу феноменни долзарблашуви натижасида ижтимоий қайта тикланиш ва ижтимоий-маданий динамика соҳасида инновацияларни акс эттирадиган ишларнинг ўсиши кузатилмоқда. Шундай қилиб, янги давр хорижий тамойилларида инновациянинг илмий-техник тараққиёти, хусусан, социал тараққиётга олиб борадиган ахборот инқилоби билан боғлиқлиги кўрсатилади. Инновация ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш соҳаларидан ташқарида бўлмай, балки ахборот даври ва тармоқ жамияти тадқиқотчилари М.Кастельс¹⁰, Д.Белл ва Э.Тоффлерларнинг техномарказлашган анъанасига кўра инновацияни ишлаб чиқаришнинг асосий манбаи сифатида белгилайди.

Иқтисодий фаолиятнинг менежмент ва маркетинг соҳаларида илмий изланишлар олиб борган К.Ховард, Р.Питер, П.Дойл, Е.Г.Молл, Н.Д.Эриашвили каби олимларнинг асарларини кўрсатиш мумкин.

XX аср охирида вужудга келган хорижий тадқиқотлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, МДҲда инновациялар ўз тушунчасини кўпроқ амалий иқтисодий-илмий фикрлашда, хусусан, менежментда, ташкилотлар социологияси ва бошқаларда Г.А.Краюхин¹¹, А.А.Мешков¹², Ю.С.Яковец¹³, Н.Д.Кондратьев¹⁴, С.Д.Ильенкова¹⁵, С.Ю.Ягудин¹⁶, С.В.Ильдеменов¹⁷, А.И.Пригожин¹⁸ларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топади. Н.Д.Кондратьев ушбу жараённи ўрганиш асосида иқтисодий даврлар тўлқин назариясини тақдим этади.

⁶ Залтман, Дж. Как мыслят потребители: то, о чем не скажет потребитель, то, чего не знает ваш конкурент : [пер. с англ.] / - СПб. : Прайм-ЕВРОЗНАК; М. : Олма-Пресс, 2005. – С. 223.

⁷ Друкер П.Ф. Задачи менеджмента в XXI веке. [пер. с англ. и ред. Н. М. Макаровой]. – Москва.: Изд. дом "Вильямс", 2007. – С. 276.

⁸ Санто Б. Инновация как средство экономического развития. - М. : Прогресс, 1990. – С. 295.

⁹ Чакроворти Б. Чака Прибыль или рост? Почему вам не нужно делать выбор. -Санкт-Петербург, 2012.

¹⁰ Кастельс М. «Информационная эпоха: экономика, общество, культура». (Castels M. Information Age: Economics, Society, Culture.) Oxford, 1996—1998.

¹¹ Краюхин Г.А., Шайбакова Л.Ф. Инновации, инновационные процессы и методы их регулирования: сущность и содержание : Лекция по дисциплине "Упр. инновац. процессами". -С.-Петербург. гос. инженер.-экон. акад. - СПб. : СПбГИЭА, 1995.

¹² Мешков А.А., Маркетинг: Учебник. (Высшее образование: Бакалавриат). – М.: ИНФРА-М, 2014. – С. 336.

¹³ Яковец Ю.С. Глобальные экономические трансформации XXI века. - Москва : Экономика, 2011. – С. 381.

¹⁴ Кондратьев Н. Д. Особое мнение [Текст] : избранные произведения : в 2-х кн. – М.: Наука, 1993. -С. 211.

¹⁵ Ильенкова С.Д., Кузнецов В.И., Ягудин С.Ю. Инновационный менеджмент. -М.: МЭСИ, 2000

¹⁶ Ягудин С.Ю. Основы инновационного менеджмента : учебное пособие. - Москва : МИТХТ им. М. В. Ломоносова, 2005. – С. 72.

¹⁷ Ильдеменов С.В. Инновационный менеджмент. -М.: ИНФРА-М, 2002.

¹⁸ Пригожин А.И. Современная социология организаций. -М.: Фирма "Интерпракс", 1995. - С. 37.

Иқтисодий маданиятнинг асосий элэменти бўлган ишлаб чиқариш ва меҳнат маданиятининг асосий муаммолари С.А.Анисимов, А.А.Погорадце, Г.Р.Соколова, Х.Каримов, иқтисодий онг масаласи В.Ф.Василенко, С.В.Молохов, А.И.Китов, Э.Т.Шайховкаби олимларнинг тадқиқотларида ёритилган. Иқтисодий муносабатларнинг характери ва хусусиятлари Ж.Т.Тошенко, В.Ф.Шчербина, В.М.Цветаев ва бошқа муаллифлар тадқиқотларида ҳам маълум таҳлил қилинган. Шунингдек, В.А.Бобохо, С.И.Левикова, Л.Н.Понамарев, В.Д.Попов, В.П.Чичканов, С.А.Наумова, К.Н.Панферовларнинг бу муаммога бағишланган илмий тадқиқотлари диққатга сазавордир.

Ижтимоий қайта тикланиш жараёни билан инновация маҳаллий олим А.С.Ахиезер томонидан ўрганилади. У жамиятни интенсив ривожланиш мураккаблигини тадқиқ этиб ва инновация турларининг кўпайиши ўртасидаги муносабатлар билан белгилайди. А.Г.Фонотов эса маданиятни ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқаришни ўз ичига олган тизимли, ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратилган жараён сифатида ўрганиб, маданий тараққиётнинг воситаси сифатида технологик контекстдаги инновациялар билан боғлаган.

Ижтимоий-маданий реалликни ҳатто юзаки равишда кўриб чиқиш инновацияларнинг ҳозирги фаолияти тузилмасига муҳим ўринини очиб беради. Бундан ташқари, бугунги кунда инновация ижтимоий-маданий ҳақиқатнинг шакллантирувчи босқичи бўлиб қолмоқда (Е.К.Краснухина). Юзага келган техник-иқтисодий анъанани баргараф этишга интилган асарлар орасида С.Е.Крючкова, Е.Н.Князева илмий изланишларини алоҳида таъкидлаш керак. Шу билан бирга, кўрсатилган ишларда инновациянинг ушбу жиҳати етарлича ишланмаган ва маданият соҳасидаги инновацияларни кўриб чиқишда илмий эҳтиёжни тугатмайди. Бугунги кунда хорижий ва маҳаллий илмий адабиётларда қўлланилаётган инновация феноменининг фалсафий жиҳатларини илмий тадқиқ этишга бағишланган мазкур диссертация ишимиз мавжуд камчиликларни муайян даражада тўлдиришга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий маданиятнинг тузулиши муаммоси А.Н.Понамарев, В.Д.Попов, В.П.Чичкановларнинг рисоласида қисман баён этилган. Шунингдек, К.Н.Понферов иқтисодий маданият тузулиши хақида фикр юритсада, унинг функциялари ўртасидаги боғланишларини эътибордан четда қолдирган.

Ўзбекистонда ҳам бу соҳада муайян ишлар М.Икромов, А.Йулдошев, А.Абдуллаевларнинг Ж.Я.Яхшиликов, М.Икромов, А.Йўлдошев, А.Саитқасимов, А.Абдуллаев, Ш.Ш.Негматова, Н.У.Арабов, Б.Н.Валиев, А.Б.Худойқулов, Б.Х.Толипов, С.Норқулов, С.Бердиқулов, Н.Абдусамедовларнинг¹⁹ диссертацияларида ёшлар иқтисодий маданиятини

¹⁹ Яхшиликов Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси (Дарслик). - Т.: Чўлпон номидаги, нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.; Шарқ ижтимоий тафаккури тарихидан. Монография. -Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2016. -Б. 460; Икромов М.,

шакллантиришда уларни фақат иқтисодий онгини ўстириш орқали эришиш назарда тутилган. А.Кучкоров, Х.Тошматов, М.Абдуллаев, А.Эркаев, М.Бекмуродовлар томонидан ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилган. Шунингдек, Б.Н.Валиевнинг номзодлик диссертациясида ҳам иқтисодий маданият, унинг структураси ва функциялари масалалари кўтарилган бўлсада, муаммога праксиологик нуктаи назардан ёндашилган. Бизнингча, бу масалага кенгроқ ёндашилиб, яъни ёшлар иқтисодий маданиятини такомиллаштиришда структуравий-функционал (тизимли) ёндашув муҳим ахамиятга эгаллиги билан ҳам қимматлидир.

Диссертация мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОФ-07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний кадриятлар ва жамият барқарорлиги” (2017-2021) номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги Ўзбекистон шароитида ёшлар иқтисодий маданиятининг инновацион моҳиятини очиб бериш ва уни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фалсафий ва ижтимоий фанлар тизимида инновацияларни ўрганиш масалалари ўрнини ижтимоий-маданий феномен сифатида белгилаш ва бу тушунчанинг методологик мазмунини очиб бериш;

иқтисодий маданиятнинг структураси, унинг таркибидаги асосий элементлар, уларнинг хусусиятлари, ўзаро алоқаларини ёритиб бериш;

ижтимоий-маданий жараённи ўзгартирадиган инновацияларни ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва замонавий инновацион жараёнларни асослаб бериш;

ёшлар иқтисодий маданияти ва тадбиркорлик маданиятини инновацион моҳиятини кўрсатиб бериш;

замонавий Ўзбекистонда ёшлар инновацион-иқтисодий маданиятини шаклланишида интеллектуал мулкнинг ўрни ва ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон шароитида ёшлар иқтисодий маданиятининг инновацион ва ижтимоий - фалсафий моҳияти танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёшлар иқтисодий маданиятининг шаклланиши, вазифалари ва йўналишлари, иқтисодий маданиятнинг

Йўлдошев А., Абдуллаев А. Иқтисодий маданият.// Иқтисод ва ҳисобот. 1997, 6-сон. 78-79-бетлар., Арабов Н.У. Ўзбекистон республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси. автореферати. Тошкент, 2018; Негматова Ш.Ш. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида соғлом рақобатни ривожлантиришнинг маънавий, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатлари: фалс.ф.док. ...автореферати. –Самарқанд.: СамДУ, 2018; Валиев Б.Н. Иқтисодий маданият ва уни шакллантириш омиллари: фалс.ф.н. ...автореферати. -Тошкент ЎзМУ, 2004; Худойқулов А.Б. Жамиятнинг ижтимоий ривожланишида иқтисодий онгининг роли: фалс.ф.н. ...автореферати. -Тошкент: ЎзМУ, 2005; Абдусамедов Н. Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-фалсафий масалалари: фалс.ф.н. ...автореферати. -Тошкент ЎзМУ, 2007.

инновацион моҳиятини амалга ошириш усул-воситаларини аниқлаш ва уни илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, таққослаш, анализ ва синтез, тизимли ва қиёсий таҳлил каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёш тадбиркор иқтисодий фаолиятида индивидуализм, рационализм, эркинлик каби қадриятларнинг фаоллашиши, эркин бизнес ташкил қилишда иқтисодий маданиятнинг ахлоқий-эстетик талаблари устуворлигини сақлаш заруриятини тақозо қилиши мантиқий далилланган;

ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг ёшлар иқтисодий маданиятини шакллантириш билан боғлиқ фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, аниқ ҳисоб-китоб, мантиқийлик, юз бериши мумкин бўлган вазиятларни олдиндан кўра билиш, мақсад ва натижаларнинг адекватлигига эришиш, режалилик каби хусусиятлари асосида ишбилармонликнинг турли шакл ва даража йўналишлари бўйича ривожланиш динамикаси аниқланган;

ёшлар иқтисодий маданиятининг инновацион хусусияти субстанционал асос (иқтисодий фаолият), функционал бирлик (иқтисодий онг), институционал тизим (иқтисодий муносабатлар), онтологик асос (иқтисодий қадриятлар)га эгаллиги ижтимоий фалсафий нуқтаи назардан исботланган;

ёшлар тадбиркорлик маданиятининг миллий моделини яратишда ўзаро ҳамкорлик ва тарихий тажрибага таянилган социал-маданий детерминантларини ҳамда ахлоқ ва оқилоналикка асосланган ижтимоий-маданий қадриятларни тиклаш зарурати фалсафий жиҳатдан асосланган;

борлиқни онгли, мақсадга мувофиқ ўзгартиришга асосланган иқтисодий фаолият иқтисодий маданиятнинг субстанционал функциялари ўртасидаги алоқаларни барқарорлаштириши, ташқи ва ички муҳит билан мувозанатни сақлаш вазифасини бажариши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

иқтисодий маданиятнинг шаклланиш даражалари, механизмлари ишлаб чиқилган ва амалий таклифлар берилган;

ёшларда иқтисодий маданиятни шакллантиришда тадбиркорлик маданияти, инновацион иқтисодиётнинг амалий функциялари аниқланган;

ёш тадбиркорларда иқтисодий дунёқараш, иқтисодий эътиқод, иқтисодий идеаллар ва иқтисодий ҳаётга мослашишнинг маънавий-руҳий ҳолати ажратиб кўрсатилган;

ёшлар иқтисодий фаолияти ва фаоллигининг инновациялар билан бирга ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

ёш тадбиркорда иқтисодий дунёқараш, иқтисодий эътиқод, иқтисодий идеал, иқтисодий жамоатчилик фикрини жамият ҳаётида маънавий-руҳий муҳитга мослашиш йўллари кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги тақриз, хулосаларда, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертация ишида қўлланилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва амалга ошириладиган кейинги илмий тадқиқот ишларида, ёшлар иқтисодий маданиятининг глобал ва долзарб иқтисодий муаммолари ечимини топишга йўналтирилган, кишилар онгида иқтисодиётни инновацион моҳиятига доир илмий дунёқарашини ривожлантириш орқали иқтисодий барқарор муҳитни яратишга, инновацион мазмундаги интеллектуал мулк йўналишларини ривожлантириш имкониятларини илмий ўрганишда илмий-назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, унинг натижаларини ёшларда тадбиркорлик, ишбилармонлик маданиятини шакллантириш ва уларни инновацион муҳитдаги назарий-методологик асосларини такомиллаштиришда янги Ўзбекистоннинг жаҳон фалсафасида муносиб ўрини топишга ҳаракат қилаётган илмий жамоатчилик ва мутасадди ташкилотлар фаолиятларида ҳамда мавзуга оид дарсликларни ва ўқув-методик кўрсатмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий Ўзбекистон жамиятида ёшлар иқтисодий маданиятининг трансформациялашуви - инновацион социомаданий феномен сифатида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ёш тадбиркор иқтисодий маданиятининг индивидуализм, рационализм, эркинлик каби қадриятларини фаоллашиши, уларнинг эркин бизнес ташкил қилишида ахлоқий-эстетик талабларни устуворлиги сақланишига доир таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Комил инсонни шаклланишида миллий ғоянинг ўрни” деб номланувчи 18-бобининг “Комил инсон баркамол авлод тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти”, “Ёшларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда миллий ғоянинг аҳамияти” деб номланувчи 23-бобининг “Ёшларда мустақил фикрлаш маданиятини ошириш” деган мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 89-03-5224-сон маълумотномаси). Бу эса республика ёшларининг иқтисодий маданиятини оширишда иқтисодий тафаккур, иқтисодий онг, иқтисодий қадриятларини инновацион ёндашув орқали шакллантирилишига хизмат қилган;

ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга ошириладиган ислохотларнинг ёшлар иқтисодий маданиятини шакллантириш билан боғлиқ хусусиятлари ва

динамикасига доир тақлиф ва тавсияларидан “Меҳнат бозори инфратузилмаси” номли ўқув қўлланманинг “Давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари” деб номланувчи 7-бобидаги “7.2.1. - Аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш ва ишсиз фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш” ва “7.2.2. - Иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларни касбий ҳаракатчанлиги (мобиллиги) ва рақобатбардошлигини ошириш” мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5570-сон маълумотномаси). Натижада меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишининг илмий-назарий асослари, унинг функционал элементлари ва таркибий қисмлари, ишсизларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими ҳамда ёшларнинг тадбиркорлик маданияти кўникмаларини шакллантиришда самарали хизмат қилган;

ёшлар иқтисодий маданиятининг инновацион хусусияти субстанционал асос (иқтисодий фаолият, фаоллик), функционал бирлик (иқтисодий онг), институционал тизим (иқтисодий муносабатлар), онтологик асос (иқтисодий қадриятлар)га эгаллиги”га доир ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсияларидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисидаги Низомини, “Маънавият оиладан бошланади” мавзусидаги ташкилий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 26 декабрдаги 02-02/1911-сон маълумотномаси). Натижада ёшларимизни жамиятга нисбатан позитив ёндашуви, тадбиркорлик, ишбилармонлик ва инновацион-иқтисодий маданиятнинг мазмун-моҳиятини англаши шунингдек, ҳудудий маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

ёшлар тадбиркорлик маданиятини миллий моделини яратишда социал-маданий детерминантлари, тадбиркорлик маданиятининг анъанавий ва инновацион йўллари, ижтимоий-маданий қадриятларни тиклаш заруратига доир ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Республика бўйича 28 та туман (шаҳарлар)да ёши, жинси, касбга лаёқати бўйича битирувчи ёшлар, ҳозирда ишсиз бўлган, ишга муҳтож ногирон, хориж ва ҳарбий хизматдан қайтган ёшларни ҳаётда ўз йўлини топишига кўмаклашиш ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш юзасидан рўйхатга олинган “Ёшлар дафтари”ни намунавий тартибда шакллантириш жараёнларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 01/4-17-23-1016-сон маълумотномаси). Натижада ёшларимизни жамиятимизга нисбатан позитив ёндашуви, тадбиркорлик, ишбилармонлик ва инновацион-иқтисодий маданиятни ратционал мазмун моҳиятини англаши ҳамда уларнинг дунёқарашини кенгайтириши ва ривожланишига самарали хизмат қилган;

иқтисодий фаолият иқтисодий маданиятнинг субстанционал ва функциялари ўртасидаги алоқаларнинг барқарорлаштириши, ташқи ва ички муҳит билан мувозанатни саклаш вазифасини бажаришига доир ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йилда эфирга узатилган “Иқтисодиёт чорраҳаларида”, “Рақамли иқтисодиёт”, “Рақамли Ўзбекистон” таҳлилий кўрсатувларининг дастур сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 20 январдаги 09.01/81-сон маълумотномаси). Натижада ёшларимизни тадбиркор, ишбилармонлик орқали оила ва жамиятни иқтисодий жихатдан бойитувчи илмий қарашлари ҳамда уларнинг дунёқарашини кенгайтириши ва ривожланишига самарали хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 11 та, жумладан 5 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилиниб, синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола (хусусан, 10 та республика ва 4 та хориж журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 204 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

“Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ишланганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган. Илмий янгилиги баён этилган, методологик ва назарий асослари кўрсатилган, назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий маданиятини трансформациялашувининг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобига иқтисодий маданиятга ижтимоий системанинг интегратив сифати тарзида ёндашилди ҳамда иқтисодий фаолият, иқтисодий онг, иқтисодий муносабатлар, иқтисодий кадриятлар ва инсон иқтисодий салоҳиятининг интегратив сифати эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотда мантиқийлик методидан келиб чиқиб, иқтисодий маданиятнинг ижтимоий система билан горизонтал кесимдаги алоқалари ҳам ўрганилди. Иқтисодий маданиятнинг бош мақсади инсон салоҳиятини руёбга чиқариш ва баркамол инсонни яратишдан иборатдир. Ишда иқтисодий маданиятнинг у ёки бу ҳалқнинг ички имкониятлари эвазига ёки ташқи иқтисодий алоқалар таъсирида ривожланиши масаласи ҳам ёритилди. Кузатишимизча, иқтисодий маданият тараққиётининг ички омилларини

ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражаси, этноснинг уюшганлиги, табиий ландшафт имкониятлари, демографик ўсиш ташкил этади. Ушбу омиллар ичида ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, пировард натижада иқтисодий маданиятнинг тараққиёт даражасини белгилаб беради, айнан ана шу омил турли халқларда иқтисодий маданиятнинг нотекис ривожланиш қонунини амал қилишини таъминлайди ҳамда иқтисодий маданият ташқи иқтисодий алоқалар таъсирида ривожланиши натижасида структуравий ўзгаришлар содир бўлади.

Ишда иқтисодий маданиятнинг тараққиёт тамойиллари ўрганилар экан, иқтисодиётнинг маданийлашиб, инсонийлашиб, рационаллашиб, дифференциаллашиб, функционаллашиб боришини чуқур таҳлил қилишга ҳаракат қилинди, ушбу тенденцияларнинг Ўзбекистон ёшларида намоён бўлиш хусусиятлари аниқланди.

Маълумки, иқтисодий маданият кўп қиррали система сифатида жамиятнинг барча қатламлари ва соҳаларига кириб бориб, улар билан мураккаб баъзан зиддиятли алоқаларга киришади. Тадқиқотда иқтисодий маданиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадий-эстетик, диний маданиятлар билан биргаликда бир қанча алоқалари ёритилди.

Ушбу бобнинг “Иқтисодий маданиятнинг структуравий-функционал характери: асосий ёндошувлар” деб номланган биринчи параграфида иқтисодий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг мазмун моҳияти тадқиқ қилишга ҳаракат қилинди. Хусусан, А.И.Кравченко ушбу феноменни қуйидагича талқин қилади: “Иқтисодий маданият ўз ичига ишлаб чиқариш маданияти, тақсимот маданияти, айирбошлаш маданияти, истеъмол маданияти, бошқариш маданиятини олади²⁰. Кўриниб турибдики, мазкур муаммо осон услуб, яъни иқтисодий маданиятнинг муҳим унсурларини санаш билан чегараланган.

Хусусан, О.В.Евсенков ёзади: “Шундай қилиб, иқтисодий маданият шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий амалларини тартибга солувчи ижтимоий кадриятлар ва нормалар йигиндисидир”²¹. Иқтисодий маданиятни кадриятлар йигиндиси деб баҳолаш бир неча методологик хатоликларни келтириб чиқаради. Биринчидан, ушбу таърифдан маданиятнинг асосий элементлари бўлмиш иқтисодий фаолият, иқтисодий онг, иқтисодий муносабатлар тушиб қолади, бу эса унинг мазмунини саёзлаштириб қолмасдан, кутилган натижага олиб келмайди, яъни иқтисодий маданият моҳиятини чуқур ўрганишга имкон бермайди. Иккинчидан, иқтисодий маданиятни фақат иқтисодий кадриятлар йигиндиси деб ҳисоблаш, унинг тараққиёт тенденциялари, ривожланиш механизмларини ўрганишни мушкуллаштиради. Ҳозирги замон фани хулосаларига кўра, система ҳеч қачон элемент йигиндисига тенг бўлмайди, чунки система интегратив хоссаларга эга бўлиб, улар элементларга мансуб эмас. Демак, иқтисодий

²⁰ Кравченко А.И. Культурология. Учебное пособие для вузов.-3-й., -М.: Акад. Проект, 2001, -С.18.

²¹ Евсенков О.В. Экономическая культура как регулятор экономической жизни. Петрозаводск. -СПБ: 1998. - С. 50.

маданиятни “йиғинди” эмас, балки ўзига хос тизим сифатида қараш ҳақиқатга яқинроқдир. Айрим мутахассислар ушбу анъанавий ёндашувдан йироқлашиб, маданиятни инсон фаолияти усули ва технологияси деб тушунтирадилар²². Технология воқеликни ўзгартириб, моддий ва маънавий кадриятларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилиш усуллари ва воситалари сифатида иқтисодий маданият таркибида муҳим ўринни эгаллайди. Ўтмишда ҳам, айниқса, ҳозирги замонда технологик маданият иқтисодий тараққиёт сифати ва даражасини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Аммо иқтисодий маданиятни фақат технология доираси билан чегаралаб қўйиш тўғри эмас, чунки у мураккаб система бўлиб, юқорида кўрсатилганидек иқтисодий онг, иқтисодий муносабатлар ва иқтисодий кадриятларни қамраб олади.

Тадқиқот ишимизнинг ушбу параграфида иқтисодий маданият тўғрисида оддий аҳоли ва ёшлар ўртасида социологик сўровнома ташкил этилди. Пандемик вазиятдан келиб чиқиб Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгашининг расмий телеграм канали (<https://t.me/Samyoshlar24>) орқали жорий йилнинг 18-23 ноябрь кунлари “Янгиланаётган Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий маданиятини трансформациялаш” сўровнома дастурига кўра, “Замонавий ёшларда иқтисодий маданият категориясини тушуниш даражаси қандай?” – деган саволга респондентлар (699)нинг 42 фоизи “Иқтисодий ислохотлар натижаси”, 44 фоизи “Яшаш шароитига мослашиш”, 14 фоизи “Миқдор ва сифатий ўзгаришлар” – деган жавобни берган.

“Ёшларнинг жамиятда иқтисодий маданият трансформациялашуви жараёни деганда нимани тушунаси?” – деган саволга респондентлар (683)нинг 49 фоизи “Иқтисодий онгни ўсиши”, 27 фоизи “Яшаш шароитини яхшилаш”, 24 фоизи “Ресурслардан оқилона фойдаланиш” – деган жавобни берган.

Бобнинг “Иқтисодий маданият эволюцияси – ижтимоий-маданий тарансформация сифатида” деб номланган иккинчи параграфида эса, масаланинг юқорида тилга олинган жиҳатларини муайян даражада асос қилиб олган ҳолда, жамиятни яхлит система сифатида ўрганишда тизимлилик методи энг самарали ҳисобланади, структуравий-функционал таҳли эса унинг асосий тамойиллариданбиридир. “Структуравий-функционал таҳлил системалиликнинг тамойилларидан бири бўлиб, у ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни тузилиш бўйича элементларга бўлиш ва ҳар бир элементнинг ўз функцияларини бажариши нуқтаи назаридан олиб қарайди”²³. Структуравий-функционал таҳлил тамойили Б.Малиновский, А.Р.Радклифф-Браун, Р.Мертон, Т.Парсонслар томонидан кенг қўлланилиб, ижтимоий системани ўрганишда самарали натижалар берди.

²² Маркарян Э.С. Теория культуры и современная наука. -М.: Мысль, 1983. -С.35.

²³ Философский энциклопедический словарь. -М.: Советский энциклопедия, 1983. -С. 658.

Т.Парсонс ижтимоий системани, социал амал, маданият, шахс, хатти-ҳаракат каби системаларга бўлади. Ушбу системаларга тўртта функция муносиб келади: социал амалга - интегратив, маданият-жамиятни такрор ишлаб чиқариш, шахс-ижтимоий субъект, ҳатти-ҳаракатга, муҳитга мослашиши каби функциялар тўғри келади²⁴.

Таниқли иқтисодчи, файласуф олим Т.Парсонс томонидан жамиятнинг яхлит система сифатида структуравий-функционал таҳлил қилиниши илмий жамоалар томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинган эди. Лекин кейинги таҳлиллар жараёнида шу нарса аён бўлдики, Т.Парсонс таклиф этган ижтимоий тизимнинг субстанционал, системани ташкиллаштирувчи элементлари кўрсатилмаган, тизим қайси асосда тузилганлиги берилмаган, энг муҳими, ижтимоий системанинг ўзаги ҳисобланган иқтисодий структура ва функция система марказидан ўрин олмаган. Бизни қизиқтираётган муаммо маданият унинг функцияси эса намуналар, символларни такрор ишлаб чиқариш билан чегаралаб қўйилган, холос. Бунинг устига интегратив функция фақат ижтимоий тизимга тақаб қўйилган, ваҳоланки, интегратив функцияни маданият, шу жумладан, иқтисодий маданият бажариши реал фактдир.

Аммо мавжуд манбаларни ўрганиш шундан далолат берадики, иқтисодий маданият, унинг тузилиши ва функцияларини тадқиқ қилишда праксиологик, аксиологик, социологик, гносеологик ва технологик ёндашишлар синаб кўрилди. Праксиологик ёндашув инсоннинг моддий фаолиятига урғу берса, гносеологик қарашлар иқтисодий онг, билишни олдинга олиб чиқади, социологик усул иқтисодий маданиятни ижтимоий муносабатлар нуқтаи назаридан ўрганади. Аксиологик ёндашувда бу феномен моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндиси сифатида қаралади, технологик қарашларда иқтисодий маданият инсоннинг борлиқни ўзгартириб, ўзи учун шароит яратиш усуллари ва воситалари шаклида таърифланади.

“Ёшларда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг инновацион хусусияти” деб номланган учунчи параграфида Ўзбекистон ёшларининг иқтисодий билимини ошириш, уларга сифатли таълимни тақдим этиш долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда ёшлардан мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда улардан билим, иштиёқ, юқори иқтисодий тафаккур ва фаоллик талаб қилинади. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев “Олдимизда турган энг муҳим масалалар шуки – маънавиятли, билимли ва касб-ҳунарли, ўз фикрига эга бўлган ёшларимизни замонавий қадриятлар руҳида тарбиялашни яхши тушунамиз”²⁵. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, тадбиркорлик

²⁴ Парсонс Т. Система современных обществ. -М.: Аспект-Пресс, 1998. -С. 15-16.

²⁵ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. / Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. // «XXI ASR», 2016 йил 21 октябрь, 44-сон.

субъектларини кўпайтириш ва бунга ёш авлодни жалб қилиш бу – иқтисодий тафаккурда жиддий ўзгаришлар даври келганидан далолат беради. Ҳозирги даврнинг тезкор ислохотлари ёшларни иқтисодий фаолликка ва маданиятини ривожлантиришга чақирмоқда.

Ёшларда иқтисодий маданиятнинг намоён бўлиши тадбиркорлик ва ишбилармонлик маданияти орқали амалга ошади. Шунинг учун ёшлар ўртасида социологик сўровнома ўтказилганда “Замонавий ёшлар тафаккурида тадбиркорлик маданияти ва унинг инновацион хусусиятига муносабатингиз...” – деган саволга респондентлар (564)нинг 35 фоизи “Иқтисодий билимни ошириш”, 51 фоизи “Замонавий билим ва касб-ҳунар ўрганиш”, 14 фоизи “Иқтисодий тафаккур” – деган жавобни берган.

“Ёшларни ишлаб чиқаришдаги иқтисодий қонунларга муносабати...” – деган саволга респондентлар (554)нинг 42 фоизи “Иқтисодий фаолият”, 22 фоизи “Тақсимот”, 36 фоизи “Моддий ва маънавий кадриятлар” – деган жавобни берган.

“Сизнингча, иқтисодий онг бу – ...” – деган саволга респондентлар (552)нинг 28 фоизи “Иқтисодий қарашлар”, 55 фоизи “Иқтисодий тафаккур”, 17 фоизи “Иқтисодий эҳтиёжлар” – деган жавобни берган.

“Меҳнат маданияти ва унга инновацион ёндашув тушунчасига таърифингиз...” – деган саволга респондентлар (539)нинг 22 фоизи “Тадбиркорлик маданияти”, 29 фоизи “Меҳнатга онгли муносабат”, 49 фоизи “Янги ғоялар ва технологиялар” – деган жавобни беришган.

Умуман олганда иқтисодий маданият иқтисодиёт субъектлари яъни инсонларнинг бир-бирига бўладиган муносабатида ўзини тутишининг миллий, умуминсоний, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий қоидаларига амал қилишнинг меъёр даражаси белгилайди. Бу ҳатти-ҳаракатлар албатта мазкур иқтисодий ҳаётнингтабиати, характери ва қарама-қаршиликлари қонуниятларига кўра аниқланади. Иқтисодий маданият аслида бозор тамойиллари қонунларига амал қилишдир. Демак, ҳар бир инсонни фаолиятида ўз касбига нисбатан лаёқат, билимдонлик, омилкорлик, масъулият ва ҳалоллик ётади.

Иқтисодий дунёқараш тафаккур шакллари билан ажралиб туради?

Бунинг учун иқтисодий дунёқарашнинг ривожланиш қонуниятларини қараб чиқишимиз лозим. Иқтисодий дунёқараш билиш, фикрлаш, инсониятни қуршаб турган дунёни англаш, ўзгаришларни олдиндан хис эта олиш, ижодий фикрлар яратиш ва уларни амалга ошириш йўлларини топиш каби маънавий ривожланиш шакллари билан иборатдир. Ахлоқий тафаккур миллий урф-одат ва анъаналарнинг субординацияси бўлса, иқтисодий тафаккур эса инсонларнинг яшаш тарзида уй-хўжалик юритиш, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш билан бирга, тадбиркорлик маданиятининг вужудга келишининг асоси ҳисобланади.

Иқтисодий тафаккурнинг ўзига хос мезонларидан бири янги турдаги ёндашувларни белгилашни назарда тутди. *Биринчиси*, ижтимоий характердаги янги, ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг илмий-назарий хусусияти ва унинг акс этишини билдиради. Бундан келиб чиқадики, йиғилган билимлардан ташқари ишбилармон иқтисодий тафаккур ва объектив қонунларни билиши ҳамда иқтисодий тизимга тегишли бўлган қарорларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиши керак. *Иккинчи* ёндашувга эса ишлаб чиқаришни мукаммаллаштириш, сифат жиҳатидан янги натижаларга эришишнинг табиий шарт-шароитлари, ишлаб чиқаришни кучайтириш жараёнининг моҳиятини идрок этиш, миқдор нуқтаи назарига кўра эмас, балки сифат жиҳатидан англаш, якуний натижалар чиқариш мақсадлари киради.

Ҳозирги даврда иқтисодий тафаккур дунё тажрибасининг муваффақиятларини ўрганиб чиқиш ва улардан максимал фойдалана олишни назарда тутди. Миллий иқтисодиёт жаҳон глобал иқтисодиётнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Халқаро интеграциянинг асосий мақсади дунё бозорини ривожлантириш ва чуқурлаштириш орқали ҳамкорликда ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишдан иборат. Бу эса нафақат кенг иқтисодий дунёқараш шаклланиши, балки фаолият соҳаларининг кенгайишига олиб келади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий маданиятининг структуравий таҳлили”** деб номланган иккинчи бобда иқтисодий маданиятга бўлган заруратнинг ўсиши жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт босқичи қонуниятлари билан алоқадордир. Бугунги кунда ёшлар иқтисодий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини структуравий таҳлил этиш долзарб масалалардандир.

Иқтисодий маданият инсонларнинг қадриятлар тизимига ва уларнинг иқтисодий қарашларининг асосий меъёрларига сезиларли таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда бўлаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг жадал суратларда ўсиши ёшларда ягона иқтисодий фикрлашни шакллантириб, иқтисодий маданият структурасида янги элементларнинг таркиб топишига асос бўлмоқда.

Ҳозирда жамият ва шахс иқтисодий маданиятининг бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, иқтисодий маданиятнинг такомиллашуви иқтисодий тизимни ривожлантириш учун имкон беради. Инсоннинг иқтисодий фаолияти натижалари бўлган, билимлари, онги, тафаккури ва келажагини белгилайдиган иқтисодий маданият жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилайди.

“Ёшлар иқтисодий фаолияти ва фаоллиги иқтисодий маданиятнинг субстанционал унсурлари сифатида” деб номланган биринчи параграфда иқтисодий фаолият иқтисодий маданиятнинг субстанционал элементи ҳисобланади, яъни у системанинг мавжудлиги, сифат барқарорлиги, функционал фаоллигини таъминлаб туради, бошқа элементларига кириб

бориб, уларнинг динамикасини белгилайди. Унинг субстанционал характерини оддий факт билан исбот қилиш мумкин. Агар иқтисодий фаолият ва унинг ўзаги бўлмиш ишлаб чиқариш бўлмаса, ишлаб чиқариш муносабатлари, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол, умуман, ижтимоий ҳаёт ҳам мавжуд бўла олмайди. Барча иқтисодий қонунлар кишиларнинг онгли мақсадга йўналтирилган иқтисодий фаолиятлари орқали амалга ошади, иқтисодий онг бевосита иқтисодий фаолият жараёнида шаклланади, ривожланади, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол муносабатлари ҳам иқтисодий фаолият натижасида юз беради, яратилган моддий ва маънавий кадриятлар эса унинг натижасидир. Иқтисодий фаолият, ишлаб чиқаришнинг бу мавқеи, иқтисодий маданият системасидан чиқиб, бошқа ижтимоий ҳодисалар учун ҳам базис, моддий асос бўлиб хизмат қилади. Айнан ишлаб чиқариш, меҳнат фаолияти инсониятни бошқа биологик системалардан ажратиб туради, унинг сифат жиҳатидан фарқини белгилайди. Демак, иқтисодий фаолият, аниқроғи, унинг сифати, даражасининг ўсиб бориши иқтисодий маданият тараққиётининг объектив мезони бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда структуравий-таҳлил тамойилидан келиб чиқиб, иқтисодий маданиятнинг системаси қўйидагича белгиланди:

1. Иқтисодий фаолият (иқтисодий маданиятнинг субстанционал элементи).
2. Иқтисодий онг (иқтисодий маданиятнинг функционал элементи).
3. Иқтисодий муносабатлар (иқтисодий маданият системасини ташкиллаштирувчи элементи).
4. Инсоннинг иқтисодий салоҳияти, иқтисодий сифатлари (иқтисодий маданиятнинг онтологик элементи).

Демак, иқтисодий маданият системаси тасодифий конгломерат тарзида эмас, балки аниқ тамойилларга асосланган яхлит системадир. Иқтисодий маданиятнинг мазкур элементлари унинг моҳияти, мавжудлиги, система шаклида сифатий барқарорлик ва функционал фаоллигини таъминлаб туради, барча даврлар, барча ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва ҳамма соҳаларда амал қилади.

Самарқанд шаҳар ёшларининг фаоллиги ва фаолиятини баҳолаш мақсадида бу соҳада муаммоларни аниқлаш мақсадида социологик сўровномалар ўтказилди. Дастлаб респондентларга “Иқтисодий маданиятни ёшлар онгида такомиллаштирувчи асосий функциялар” – деган савол берилди. респондентлар (541)нинг 65 фоизи “Инновацион”, 16 фоизи “Баҳолаш”, 19 фоизи “Тартибга солиш” – деган жавобни берган. “Ёшларда ижодкорлик фаолиятини шакллантиришда иқтисодий кадриятларнинг ўрни белгиланган вариант...” – деган саволга респондентлар (547)нинг 41 фоизи “Инсон фаолиятининг қиймати”, 25 фоизи “Инсон капитали”, 34 фоизи “Мотивация” – деган жавобни берган. “Сиз иқтисодий хулқ-атвор деганда нимани тушунаси?” – деган саволга респондентлар (546)нинг 26 фоизи “Фойда олиш”, 44 фоизи “Фаолият шакли”, 30 фоизи “Манфаатни қондириш” – деган жавобни берган.

“Иқтисодий маданиятнинг инновацион мазмуни бу - ...” – деган саволга респондентлар (552)нинг 27 фоизи “Умуминсоний маданият”, 64 фоизи

“Янгиликларга интилиш”, 9 фоизи “Билимга интилиш” – деган жавобни берган.

Иқтисодий фаолият борлиқни онгли ва мақсадга мувофиқ ўзгартириб, ҳаёт учун зарур бўлган воситаларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилишга қаратилган амалиётдир. Иқтисодий фаолиятнинг маданият феноменига айланиши учун, у инсоннинг моҳиятли кучларини руёбга чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилиш керак. Иқтисодий фаолиятни соҳаларга қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- ишлаб чиқариш маданияти;
- тадбиркорлик фаолияти;
- менежерлар фаолияти;
- маркетинг;

Иқтисодий фаолиятнинг мазкур турлари қанчалик ривожланган ва улар ўртасидаги алоқалар қанчалик мукамал бўлса, у ҳолда иқтисодий маданият даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади, муҳими улар инсон салоҳиятини қанчалик тўлароқ руёбга чиқарса, баркамол шахснинг шаклланишга шароит яратса, шунчалик умум аҳамият касб этади.

“Иқтисодий маданиятнинг функционал унсурлари” деб номланган иккинчи параграфиди иқтисодий онг шакллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий маданиятни шакллантиришдаги аҳамияти, шахсни ҳар томонлама ривожланишдаги роли кўрсатилди. Шунингдек, иқтисодий онг даражаларининг структураси муайян тартибда таҳлил этилди. Иқтисодий онг инъикос даражасига қараб, эмпирик ва назарий онг (гносеологик ёндашув), иқтисодий онгнинг субъектидан келиб чиқиб, индивидуал ва ижтимоий-иқтисодий онг (социологик ёндашув), унинг борлиққа муносабатига қараб иқтисодий онгнинг ижтимоий-психологик даражаси ва иқтисодий мафкурага бўлинди, уларнинг мазмуни, хусусиятлари, алоқалари, маданият таркибидаги мавқеи аниқланди. Тадқиқотда иқтисодий онг ҳолатларида: иқтисодий дунёқараш иқтисодий эътиқод иқтисодий идеал иқтисодий жамоатчилик фикри иқтисодий ҳаётда маънавий - рухий муҳит ажратиб кўрсатилди ва уларнинг ўзига хос сифатлари баён килинди.

Иқтисодий онг иқтисодий маданиятнинг функционал элементи ҳисобланади. Фалсафа ушбу ҳулосада ҳозирда ҳеч кимда эътироз ўйғотмайди. Шунинг учун «онг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни, умуман, жамиятнинг функциясидир»²⁶, Иқтисодий онг объектив ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол жараёнларининг субъектив инъикоси бўлиб, мураккаб тузилишига эга. Иқтисодий онг структурасида иқтисодий онг шакллари, даражалари, ҳолатлари ва улар ўртасидаги алоқалар муҳим ўрин тутади. Иқтисодий онгни қуйидаги шакллarga бўлиш мумкин:

- иқтисодий эҳтиёжлар;
- иқтисодий ҳис-туйғулар;
- иқтисодий тафаккур;

²⁶ Крапивенский С.Э. Социальная философия. - М.: Гуманит. изд.-центр. «Владос», 1998. -С. 220-221.

- иқтисодий қарашлар;
- иқтисодий назариялар.

Иқтисодий эҳтиёжлар кишиларнинг моддий қадриятларга бўлган заруриятларини уларнинг онгида акс этиш жараёни бўлиб, у иккига бўлинади: ишлаб чиқариш воситалари ва бевосита ҳаёт учун зарур бўлган воситалар. Улар биринчидан, ишлаб чиқариш учун шароит яратиш заруриятидан келиб чиқса, иккинчидан, яшаш учун шароит яратиш зарурати асосида пайдо бўлади. Биринчиси функционал эҳтиёжлар бўлса, иккинчиси мотивацион эҳтиёжлардир. Аммо эҳтиёжларнинг ўзи истемол буюмларини яратмайди, шунинг учун ҳам улар кишиларни иқтисодий фаолиятга кўзғайди. Фаолият эса уларнинг эҳтиёжларини қондирувчи предметларни яратади, қондирилган эҳтиёжлар эса янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради, бу ҳол янги фаолият турларининг пайдо бўлишига олиб келади ва бу жараён узвий давом этади. Шунинг учун ҳам эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни, иқтисодий маданият тараққиётининг ички ҳаракат манбаини ташкил этади. Иқтисодий ҳис-туйғулар гносеологик нуқтаи назардан олганда, иқтисодий борлиқни билиш жараёни ҳамдир. Масалан, иқтисодий сезиш предметларнинг у ёки бу хоссасини, предметни акс эттирса, иқтисодий идрок унинг яхлит бевосита идеал образидир, иқтисодий тасаввур эса предмет бўлмаган тақдирда ҳам унинг образини ҳиссий қайта тиклаш жараёнидир. Бу жараёнлар иқтисодий онгнинг абстракт мантиқий даражасига ҳам ўтади, унинг учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади, иқтисодий фаолият ва муносабатларнинг барча жабҳаларида иштирок этади. Иқтисодий онгнинг муҳим шаклларида бири иқтисодий фикрлашдир. Фалсафий нуқтаи назардан қаралса, фикрлаш тушунчалар, ҳукм ва ҳулосалардан иборат. Социология ва ижтимоий психалогия, мафкура, аксиология наздида тафаккур воқеликка муносабат ва уни баҳолаш жараёнидир. Психология тафаккурнинг ички жараёнларини ўрганиш билан шуғулланади. Иқтисодий маданиятни социал иқтисодий усул ёрдамида ўрганувчи тадқиқотчилар иқтисодий тафаккурни «Иқтисодий муносабатларнинг идеал инъикоси»²⁷ сифатида олиб қарайдилар. Ижтимоий фалсафа иқтисодий тафаккурни яхлит: ўз тузилиши ва функцияларига эга бўлган система сифатида ўрганиши лозим.

“Меҳнат маданиятидан – тадбиркорлик маданиятига ўтиш: анъанавий ва инновацион ёндашув” деб номланган учунчи параграфда ҳозирги даврда техника ва технологияларнинг юксак даражада ривожланиши, ишлаб чиқаришни кенг кўламда компютерлаштириш, истемол маҳсулотларини жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқишни маданий йўлга қўйиш талаб этилмоқда. Бунинг учун меҳнатга муносабат ва унга эквивалент ҳақ тўлаш, интеллектуал ва жисмоний камолотга эришиш, ишлаб чиқариш жараёнларининг илмий-техникавий ва иқтисодий асосларидан тўлақонли хабардор бўлиш талаб қилинади. Жамиятда анъанавий ва замонавий меҳнат

²⁷Тарновский В.В. Экономика культуры и культура экономики: институциональный аспект // Вестник ВГУИТ. 2017. Т. 79. № 4. -С. 237-243.

турлари мавжуд бўлиб, бу дехқончиликдан хизмат кўрсатиш соҳасигача камраб олади. Бу вазият меҳнат тақсимотини яна қайтадан кўриб чиқишни, меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўладиган ёшларни тарбиялашни тақозо этади. Бу ўз навбатида, узлуксиз таълим тизимида касб-ҳунарга оид меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этишга нисбатан улкан талабларни қўяди. Меҳнат қилиш ҳам ўз маданиятига эга бўлиб, умумий маданиятни бир қисмини ташкил қилади.

Меҳнат маданияти деганда “ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси, янги ва самарали иш услубларини қабул қилиш ва ҳамкасблар, ишчилар билан мулоқот қилиш, янги ғояларни, технологияларни қидириш, тасарруфидаги мулк ва ишлаб чиқариш воситаларига ҳурмат билан қараш тушунилади”²⁸. Меҳнат маданияти юзага чиқиши, маданият соҳасида чуқур ўрин эгаллаши учун аввало меҳнат тарбиясини амалга ошириш зарур. Меҳнат тарбиясининг мақсади ёшларда меҳнатга онгли муносабатни шакллантиришдир. Мазкур мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

1) ёшларда меҳнат истагини, хоҳишини шакллантириш ва уларни замонавий ишлаб чиқариш технологиясининг турли соҳаларида фаолият юритишга тайёрлаш;

2) ёшларда ўз манфаатини Ватан манфаатига боғлаб меҳнат қилиш ҳиссини шакллантириш;

3) ёшларнинг ишбилармонлик қобилиятларини ривожлантириш;

4) ёшларнинг мавжуд билимларига қўшимча равишда замонавий билимларни узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш;

5) ёшларда меҳнат кўникма ва малакаларини таркиб топтириш;

6) ёшлар фаолиятида маданият, мақсадга интилиш, ташкилотчилик, меҳнат интизоми, тадбиркорлик, тежамкорлик, ишни сифатли бажариш, моддий бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ҳаётий фаолият йўналишини белгилаш малакаларини шакллантириш;

7) ёшлар давлат сиёсати мазмунига таянган ҳолда улар яшаб турган ҳудудларга хос ишлаб чиқариш хусусиятларига мувофиқ касбларни эгаллашга интилишини рўёбга чиқариш;

8) ёшларни касбга йўллаш, уларни меҳнат фаолиятининг барча турлари, шунингдек, улар яшаётган ҳудудда эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар билан таништиришдан иборат.

Меҳнат маданий категория сифатида номоддий, мавҳум тушунча бўлиб, бир томондан меҳнат қандайдир моддий жараённи амалга ошириш билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан бу идеални амалга оширишдир.

Шундай қилиб, тадбиркорлик маданиятини очиқ тизим, яъни мураккабликнинг юқори (қуйи) даражадаги тизимларидан маълум таъсирларни бошдан кечирадиган тизим сифатида ўрганиш зарур. Биринчидан, жамиятдаги ўтиш даврида тадбиркорлик маданияти тамойилини

²⁸ Бусыгин А.В. Предпринимательство: 3-е изд. — М.: Дело, 2001. — С. 81.

субъект-объект алоқаларига асосланган яхлит шаклда тақдим этиш, унинг тузилишини бир неча хил асосларда ишлаб чиқиш; иккинчидан, Ўзбекистон ва ривожланган давлатларнинг тадбиркорлик маданиятини қиёсий таҳлил қилиш, маданиятлараро ва вазифавий ёндашувлар асосида уларнинг ривожланиш миқдорини, уларнинг ривожланиш давридаги оқилона ва иррационал томонларини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг **“Ёшлар иқтисодий тафаккури ва маданиятини трансформация қилишнинг асосий босқичлари”** деб номланган учинчи бобда ёшлар иқтисодий маданиятни такомиллаштиришнинг асосий функциялари, иқтисодий маданиятнинг ёшлар онгида иқтисодий қадриятларнинг ўзгариши, трансформация қилишини, мамлакатимиз ёшларининг иқтисодий хулқ-атворидаги жараёнлар ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган. Жамиятда содир бўладиган ҳамма алоқаларда, айниқса, иқтисодий муносабатларда ахлоқ ва маънавият каби қадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда иқтисодий ҳаёт қонунларини ижтимоий вазиятларни ҳисобга олмасдан туриб уни англаб олиш қийин.

Ёшлар иқтисодий маданиятининг ҳозирги даврдаги ҳолатини ўрганиш ва аниқлаш, янгиланиш шароитида ёшлар иқтисодий маданиятини ўстириш мазкур иқтисодий тизимнинг қандай йўллар билан ривожланишини кўрсатади. Кишиларнинг иқтисодий фаолияти, натижалари, малакаси, билимлари, иқтисодий онги, яъни унинг келажақдаги истиқболларини кўрсатадиган иқтисодий ва узлуксиз жараён жамият тараққиёти билан ўзаро боғлиқдир.

“Замонавий ёшлар иқтисодий маданиятини трансформациялашувидаги асосий вазифалар” деб номланган биринчи параграфда иқтисодий маданиятнинг асосий вазифалари структуравий-функционал таҳлил талабига кўра қуйидагича белгиланди: а) воқеликни ўзгартириш амалий функция (праксиологик); б) тартибга солиш, бошқариш функцияси (регулятив); в) муомала ахборот функцияси (коммуникатив); г) лаззатлантириш функцияси (гедонистик); д) билиш функцияси (гносеологик); е) баҳолаш функцияси (аксиологик); ж) инсонни шакллантириш функцияси (гуманитар); к) узатиш функцияси (транслация); л) силлекция функцияси (танлаш-саралаш); м) инновацион функцияси.

Бу тасниф иқтисодий маданият полифункционал, яъни кўп функцияли система эканлигини асослайди. Тадқиқотда бунинг сабаби бир томондан борлиқнинг хилма-хиллиги ва кўп сифатлилиги бўлса, иккинчи томондан кишилар эҳтиёжларининг ранг-баранглиги ва ўсиб бориши деган хулосага келинди. Тадқиқотда иқтисодий маданиятнинг борлиқни ўзгартириш функцияси таҳлил қилиниб, бу жараёнда: биринчидан, кишиларнинг мослашуви, иккинчидан, табиий муҳитни ўзига мослаштирилиши; учинчидан, ҳаёт учун зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқариши; тўртинчидан, техноген ва социоген муҳитни яратиш; бешинчидан, табиат, жамият ҳамда одамлар ўртасидаги модда ва энергия алмашилишини амалга

ошириши; олтинчидан, жамиятнинг ўз-ўзини сақлаш ва ҳимоя қилишини таъминлаши; еттинчидан, бу жараёнда инсоннинг ўзи ўзгариб, ривожланиб бориши таснифланган. Ишда мазкур жараёнлар иқтисодий маданиятнинг муҳим сифатлари эканлиги таъкидланган ва сўнги омил иқтисодий маданиятнинг мазмунини ташкил этишига урғу берилган.

Иқтисодий маданиятнинг амалий функцияси ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда намоён бўлади. Ишда иқтисодий маданиятнинг тартибга солиш функцияси тавсифланди ва унинг рационал тамойиллари баён қилинди: 1) иқтисодий қонунларни чуқур билиш асосида уларни муайян мақсад сари йўналтириш, шу асосда тараққиёт режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш; 2) иқтисодий жараёнларнинг тенденция шаклида намоён бўлишини ҳисобга олиб, илмий башорат қилиш; 3) иқтисодий жараёнларни намоён қиладиган ҳодисаларнинг моҳиятига кириб бориб, аниқ лойиҳалар, концепциялар, моделлар яратиш; 4) иқтисодий жараёндаги стихияли ва деструктив ҳодисаларни ўз вақтида билиб олиш асосида уларнинг бузувчи таъсирини камайтириш ёки, умуман, бартараф этиш. Диссертацияда иқтисодий ҳаётни тартибга солишнинг қуйидаги асосий нормалари берилди:

- Иқтисодиётнинг ўз нормалари (ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмолни тартибга солувчи нормалар);

- Иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар, қонунлар, қоидалар;

- иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи сиёсий нормалар, давлатнинг иқтисодий сиёсати;

- иқтисодий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ахлоқий нормалар ва урф-одатлар;

- иқтисодий ҳаётнинг айрим жабҳаларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган диний қоидалар.

Тадқиқотда мазкур нормаларнинг ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмолни тартибга солиш механизми ҳам ўрганиб чиқилган.

Ишда иқтисодий маданиятнинг муомала ва ахборот функцияси ҳам батафсил ёритилган. Ишлаб чиқаришда, умуман, иқтисодий фаолиятда одатда расмий, функционал муомала маданияти қоидаларига амал қилинганлиги сабабли тадқиқотда асосий эътибор ана шу масалани ёритишга қаратилди. Шунингдек, умуминсоний ахлоқий нормалар, ахлоқий тамойиллар ҳамда маънавий кадриятларнинг кишилар ўртасидаги муомалани такомиллаштириш ва уйғунлаштиришдаги аҳамияти ҳам кўрсатилди.

Тадқиқотда иқтисодий маданиятнинг билиш функцияси, иқтисодий билишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам аниқланди; а) иқтисодий билиш доимо амалиётга функционал йўналтирилган бўлади; б) иқтисодий билишнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, инсон ишлаб чиқариш жараёнида предметларнинг физик, химик, биологик хоссаларига кириб бориб, уларни чуқурроқ ўрганиш имкониятига эга бўлади; в) иқтисодий билимларнинг натижаси самарадорлиги билан ўлчанади; г) инсоннинг инъикос

қурилмасининг ўзи меҳнат жараёнида шаклланади; д) иқтисодий онгнинг фаоллик хоссалари янги техника ва технологияларни рационаллаштириш ва янги товарлар яратишда намоён бўлади; е) ишлаб чиқаришда инсон фақат меҳнат предметлари ва техника хусусиятларини ўрганиш билан чегараланмайди, балки ўз интеллектуал салоҳияти ва қобилиятларини ҳам билиб олади, яъни ўз-ўзини англайди.

Ёшлар иқтисодий маданиятининг асосий функцияси маданиятнинг ўзагини ташкил этади. Бу ҳақда кейинги фаслда батафсил фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Иқтисодий маданият функцияларини ўрганиш қуйидаги хулосаларни баён қилишга имкон беради. Биринчидан, иқтисодий маданият полифункционал тизим бўлиб, ўзгартириш, билиш, муомала, баҳолаш, лаззатлантириш, ахборот ташиш, тарбиялаш каби вазифаларни бажаради; иккинчидан, иқтисодий маданиятнинг функциялари турлича, хусусан, иқтисодий маданият тизим сифатида интегратив вазифани бажарса, унинг структурасига кирган қисмлар тизим томонидан берилган конкрет вазифаларни бажаради; учинчидан, эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни иқтисодий маданият функцияларининг кўпайиб бориши ва интенсивлашувини тақоза қилади.

“Иқтисодий маданиятнинг ёшлар онгида қадриятли йўналиш (мўлжал)ни шакллантиришдаги ўрни” деб номланган иккинчи параграфда инсонни шакллантиришдаги аҳамиятини ёритишда шахс ҳар томонлама ривожланишининг барча фаолият турлари ижтимоий муносабатлар, ижтимоий онг шаклларнинг узвий тараққиёти ҳақидаги назарий қарашларга таянилади. Иқтисодий онгнинг шахсни шакллантиришдаги қуйидаги функциялари мавжуд: борлиқни билиш ва англаш, воқелиқни ва қадриятлар иерархиясини тузиш; ўз фаолиятини ва муносабатларини онгли, мақсадга мувофиқ тартибга солиш, назорат қилиш; эҳтиёжларни англаб етиш, мақсадларни шакллантириш, режа ва дастурларни ишлаб чиқиш; таҳлил қилиш, шу асосда назария ва иқтисодий концепцияларнинг ишлаб чиқиш; амалиётини ҳаракатга келтирувчи ирода импульсини тайёрлаш; борлиқни онгли ва мақсадга мувофиқ ўзгартириш қобилиятларини шакллантириш орқали инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига муҳим ҳисса қўшади.

Иқтисодий маданият инсоннинг моддий ва маънавий ривожланишини уйғунлаштиришнинг муҳим воситасидир. У шахснинг баркамол ривожланиши учун моддий шароит яратиш қолмасдан, унинг маънавий жихатдан камол топишида ҳам фаол иштирок этади. Бу шароитда; биринчидан, иқтисодий маданият шахснинг уйғун ривожланиши учун зарур булган моддий неъматлар ва шарт- шароитни яратиш беради; иккинчидан, у манавий ишлаб чиқаришни моддий техника базаси билан таъминлайди.; учинчидан, меҳнат фаолияти жараёнида шахснинг маънавий дўнёси шаклланиб, ривожланиб боради; тўртинчидан, меҳнат жараёнида купчилик маънавий қадриятлар, илмий билимлар, бадий асарлар, ахлоқий нормалар ва

хоказолар яратилди. Маданият бу омилларнинг барчасини шахс даражасида уйғунлаштиради, яхлит ҳолатга келтиради.

Ҳозирда «иқтисодий одам» модели қуйидагича тасаввур қилинади: у эркин бўлиб, ўз шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, мустақил қарор қабул қилади; у биринчи навбатда ўз манфаатларини ўйлайди ва ўз фойдасини максимал оширишга интилади; у оқилона ҳаракат қилади, ўз мақсадига етишишни изчил амалга оширади, унга эришиш учун барча воситалар ва харажатларни аниқ, ҳисоб-китоб қилади; у ахборот билан таъминланган, у нафақат ўз эҳтиёжларини яхши билади, балки уларни қондириш воситалари ҳақида етарли ахборотга эга²⁹.

Замоновий иқтисодиёт ва ижтимоий-фалсафий ижодкорлик бир-бири билан чамбарчас узвий боғланган бўлиб, бир қатор хориж илмий манбаларда буни аксини кўриш мумкин. Ғарб мутахассисларининг фикрича креатив иқтисодиёт тараққиётининг асосий жиҳатлари: илмий тадқиқот, тажриба жараёнларига ажратиладиган сармоялар кўринишидаги ижодга тизимли харажатлар, илмий иш соҳасида ишлайдиган вакилларнинг ортиб бориши, олдинги даврдаги илмий тадқиқотларнинг таъсир доирсининг маданий ижодда ходимларни ортиб бориши билан белгиланади. “Креатив иқтисодиёт” категорияси Америка иқтисодчилари томонидан фанга киритилиб “креатив иқтисодиёт” – бозор маҳсулоти кўринишида ижодкорликни иқтисодий рағбатлантириш асослари, демак молиявий операциялар (шартномалар, биржалар), яъни ижодий маҳсулотлар ҳаракатини қонунчилик йўли билан тартибга солиш³⁰.

“Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий хулқ-атворида трансформация” деб номланган учунчи параграфда, иқтисодий маданият фалсафий таҳлил натижасида ижтимоий тараққиёт давомида воқеликни ўзгартириш, ижтимоий системанинг ўз-ўзини сақлаш, ижтимоий адаптация, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш, билиш, баҳолаш, лаззатлантириш, тартибга солиш, муомала ва ахборотлаштириш функциялари кўрсатилган. Шунингдек, унинг асосий мақсади, мазмуни, функцияси инсонни ҳар томонлама уйғун, баркамол шахс сифатида шакллантиришдан иборатлиги айtilган.

Иқтисодий хулқ-атвор тушунчасининг асосий жиҳати – фаровонлик жамиятига етишиш давлат ва фуқаролик статусига эришиш йўлидаги фойда ва харажатлар тўғрисидаги субъектив ғоялардир. Кишиларни иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликлари билан бир қаторда ҳар бир инсоннинг ўзига хос шахсий ва ижтимоий манфаатлари ҳам мавжуд.

Мазкур ҳолат юзасидан аҳоли ўртасида социологик сўровномалар ўтказилди. Социологик тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 59 фоизи эркак, 41 фоизи аёл, 20 фоизи 14-20 ёш оралиғидагилар, 80 фоизи 20-30 ёш оралиғидагилар, 14 фоизи ўрта, 12 фоизи ўрта махсус, 74 фоизи олий

²⁹ Радаев В.В. Экономическая социология. -М.: Аспект пресс, 2000. -С. 16.

³⁰ Howkins J. The Creative Economy: How people make money from ideas. London:Allen Lane, Penguin, 2002. -P. 28.

маълумотлилар, 56 фоизи қишлоқ, 44 фоизи шаҳар ҳудудида истиқомат қилувчилар ҳисобланади.

“Бугунги жамиятда иқтисодий маданият трансформациялашуви деганда нимани тушунасиз?” – деган саволга респондентлар (538)нинг 41 фоизи “Янгиликка ижобий муносабат”, 17 фоизи “Анъанавий ёндашув”, 42 фоизи “Инновацион ёндашув” – деган жавобни берган.

“Ёшлар тафаккурида инновацион иқтисодий тафаккурни шакллантиришдаги шахсий фикрингиз” – деган саволга респондентлар (556)нинг 38 фоизи “Субъектив фикр эркинлиги”, 22 фоизи “Объектив шароит”, 40 фоизи “Мобиллик (ҳаракатчанлик)” – деган жавобни берган.

“Замонавий Ўзбекистон жамиятида инновация ва унинг социомаданий хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида жамият унда содир бўлаётган ўзгаришларнинг юқори суръатлари билан ажралиб туриши сабабли, бу ўзгаришларнинг замонавий шахснинг ижтимоийлашув жараёнига таъсирини ўрганиш лозим бўлади. Давом этаётган ўзгаришлар жамиятнинг турли соҳаларидаги янгиликлар билан боғлиқ. Ушбу бобда инновацияларни қандай таъминлашни тушунишга қаратилган турли хил назарий ёндашувлар муҳокама қилинади. Замонавий жамиятнинг инновацион таркибий қисмини турли ижтимоийлашув омиллари гуруҳларига хос бўлган янгиликлар шароитида таҳлил қилишади. Интернет ёшлар ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Диссертацияда ушбу тезис статистик ва илмий маълумотлар асосида асосланади.

Бугунги жамият тарақиётининг асосий омили – инновацион ғоялар ва ҳар қандай соҳага инновация асосида ёндашувни талаб этмоқда. Инновацияларнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқишга жалб қилиш, амалга ошириш, тарқатишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Инновацияларни бошқариш, тақсимлаш ва баҳолаш мезонларини яратиш каби янги иқтисодий маданиятни шакллантириш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам инновациялар бошқариш инновациялар типологиясига, уларни турли муҳим асослар, мезонларга, параметрларга кўра таснифлашга асосланган бўлиши керак.

“Ҳозирги замон иқтисодий маданиятининг инновацион мазмуни” деб номланган биринчи параграфда кўп йиллар давомида фалсафий адабиётда ва реал амалиётда ҳам “илмий-техник тараққиёт”, “реконструкция”, “модернизация”, “рационализация”, “саноатлаштириш”, “дендустриализация”, “қайта саноатлаштириш” ва шунга ўхшаш атамалар ишлатилган. Бу тушунчалар ижтимоий-иқтисодий ва жамият тараққиёти фаолияти натижаларининг сифат ва самарадорлигига эришишга қаратилган ҳамда ижтимоий муносабатларининг субъектлари фаолиятини йўналишларини тавсифлайди. Замонавий ижтимоий-иқтисодий маданият соҳасида янгилик, новация ёки инновация сингари тушунчалар тез-тез кўзга ташланмоқда. Инновация янгликни қўллаш соҳаси сифатида таҳлил этилмоқда. Хўш, инновациянинг янги маданият сифатида қандай афзалликлари бор? Янгиликка интилган маданият одамлар ҳаётида сифатли

Ўзгаришларнинг дастлабки асоси бўлиб, жамиятнинг барча соҳаларидаги тараққиёт ва уйғунлашувнинг узвий вазифасини бажариши мумкин. Моддий маданият жамиятдаги объектларининг янгилиниши, ижтимоий ўзгариши суръатларининг тезлашиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнлар. Демак, жадал ривожланиши шароитида ўзгарган ижтимоий эҳтиёжлар маълум ижтимоий институтларнинг функцияларида етарли даражада акс эттирилмаган кўринишидаги вазиятни юзага келтирилиши таъкидланади.

Ҳозирги инновацион назариянинг шаклланишида энг диққатга сазовори Н.Д.Кондратьевнинг иқтисодий-технологик ривожланиш концепциясидир. Ушбу концепция “саноатнинг чуқур ислохотлари ва фан-техника инқилоби, янги иқтисодий ҳудудларни жалб қилиш, малакали меҳнатнинг янги кадрларини тайёрлаш”³¹ни асос қилиб олган. Тадқиқотчи муҳим техник ихтиро ва кашфиётларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий инновация конъюктурасининг йирик цикллари мавжудлигини биринчи бўлиб асослаб берган.

“Замонавий Ўзбекистон жамиятида ёшларни иқтисодий маданиятини трансформациялашуви” деб номланган иккинчи параграф ёшлар давлатнинг муҳим таркибий ва ҳаётий қисми сифатидалиги, жамиятда мавжуд бўлган ва турли хил ижтимоий, иқтисодий, маънавий жараёнларга сезиларли ўзаро таъсир кўрсатадиган ҳамда очиқ ижтимоий тизим эканлигини инобатга олсак, унинг ролини ва аҳамиятини ўрганишда уларнинг ижтимоий муносабатлари субъекти ва объекти сифатида намоён бўлиши акс эттирилган.

Ёшлик ва унинг чегараси феноменининг ўзига хос хусусиятларига нисбатан ҳар хил фикрлар, қарашлар ва далиллар мавжуд. Ёшликни биологик жиҳатдан даврийлаштириш масаласи ҳозиргача мунозарали бўлиб келмоқда.

Замонавий ёшларнинг иқтисодий маданиятини таркибий тузилиши ва унинг функционал таҳлили учта асосий компонентни қамраб олади: яъни 1) иқтисодий таълим орқали орттирилган билим; 2) эски иқтисодий кадрлар ўрнига пайдо бўлган янги иқтисодий кадрлар; 3) иқтисодий хулқ-атвор (стереотиплар ва муносабат). Ўзбекистонда ёшларнинг иқтисодий маданиятининг трансформацион жараёни мустақилликнинг дастлабки ўтиш даврида мулкий муносабатни янгилинишидан то ҳозирги янги Ўзбекистон шароитида инновацион иқтисодий маданиятига ўтиш жараёнигача бўлган даврни қамраб олганлиги ҳам таъкидланган.

Жамиятда иқтисодий ислохотларида ёш авлоднинг иштироки репродуктив, инновацион, потенциал энергия, интеграция ва ижтимоийлаштирувчи функцияларни бажариши катта аҳамиятга эга эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

“Ўзбекистонда ёшлар инновацион иқтисодий маданиятни шакллантириш омиллари: муаммо ва ечимлар” деб номланган учинчи параграфда замонавий жамиятда ёшларнинг инновацион хатти-ҳаракатни

³¹ Кондратьев Н. Д. Алоҳида фикр. 1 кит. – М.: Наука, 1993. -Б. 211.

амалга оширишнинг ўзи ижтимоий жараён ва бу бошқа кишилар идроки, тасаввури ва қарашларида алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ўзини ўзи баҳолашнинг инновацион услуги бошқа шаклларида ажралиб турадиган ёшларни қарама-қаршилик, қийинчилик каби муносабатларга дуч келмаслигини таъминлаш керак. Демак, ёшларни инновацион муваффақият қозонишлари учун дўстлар, ҳомийлар кўмаги, умуминсоний ғояларни мунтазам равишда тарғиб қилиш кераклиги айтилади.

Ижтимоий ўсиш жамиятнинг идеал ва қадриятларини сақлаш ва ривожлантириш заруриятини тобора тақоза этмоқда. Давлат фуқароларнинг турли хил ташаббускор ҳаракатларини тартибга солишда, ижтимоий ташаббусларнинг педагогик, дидактик, ижтимоий-иқтисодий ва фуқаролик таъсирини ҳар тамонлама намоён қилишлари акс эттирилган. Шунингдек, инновацион хатти-ҳаракатларнинг шаклланиши ва ривожланиши шахсий эркинлик ва маъсулятлилиқ тамойилигига амал қилинишини назарда тутиб унинг ижобий амалга оширилиши қуйидагилардан иборат:

- алоҳида бир шахснинг (гуруҳ) эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш учун йўналтирилган маъсулиятли фаолият;

- шахснинг (гуруҳ) инновациялар натижасида ўзини-ўзи баҳолаши орқали бошқакишиларнинг ҳам жамиятдаги ижтимоий роли ва ўрнининг аҳамиятини таъминлаш каби жихатлар кўрсатилиб ўтилган.

Аксарият ёшларнинг хорижий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетиш ҳолатлари касб-хунарга эга бўлган мутахассисларнинг кўпроқ бошқа давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришига хизмат қилмоқда. Бу ўз навбатида ёшларни иш билан таъминлаш, ҳаётини эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ойлик маош белгилашга қаратилган ва тадбиркорликка жалб қилиш билан боғлиқ ҳудудий дастурлар сифатини янада ошириш лозимлигини аниқлатади.

ХУЛОСА

“Замонавий Ўзбекистон жамиятида ёшлар иқтисодий маданиятини трансформациялашувида инновация – социомаданий феномен сифатида” мавзусидаги фалсафа фанлари доктори диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

- 1) иқтисодий фаолият иқтисодий маданиятнинг субстанционал ва функциялари ўртасидаги алоқаларнинг барқарорлаштиради, ташқи ва ички муҳит билан мувозанатни сақлаш вазифасини бажаради. Ёшлар иқтисодий маданияти субстанционал асосига (иқтисодий фаолият, фаоллик), функционал бирлигига (иқтисодий онг), институционал тизимига (иқтисодий муносабатлар), онтологик асоси (иқтисодий қадриятлар)ларига эга кенг қамровли жараёндир;

- 2) ижтимоий-маданий ўзгариш шароитида ёшларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи ва йўналтирадиган қадриятлар мажмуини ифодаловчи жамиятнинг иқтисодий маданияти сифатий ўзгаришларга

учрайди. Ўзгаришлар антропоген ҳамда антропотехноген омиллар таъсирида бўлиши ҳам мумкин;

3) иқтисодий маданият маҳсули бўлган ишбилармонлар (якка тартибда ва бошқалар билан бирлашган ҳолда) инновацияни амалиётга жорий этишда иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлардан кенг фойдаланиладилар. Ёшлар тадбиркорлик маданияти олдиндан аниқ бўлмаган, ноанъанавий ижтимоий муносабатларнинг янги шакли бўлиб, янги ишлаб чиқариш усулини яратиш билан боғлиқ бўлган синергетик жараёндир;

4) ишлаб чиқаришнинг янги манбаларини кашф қилиш, бу манбаларнинг илгари мавжуд ёки янгидан яратилиши кераклигидан қатъи назар янги ишлаб чиқаришни яратиш. Янги Ўзбекистон ёшларининг иқтисодий тафаккури, билими бозор муносабатларига ўтиш шароитида тубдан ўзгаришларга, янгиликларга дуч келиши унинг ижтимоий фалсафий таҳлилга муҳтожлигидан далолат беради. Янги шароитдан келиб чиққан тадбиркорлик маданияти ва ишбилармонлик муҳити экзистенциал нуқтаи назардан инновацион воқелиқдир;

5) иқтисодий фаолият иқтисодий маданиятнинг субстанционал элементи бўлиб, борлиқни онгли, мақсадга мувофиқ ўзгартириб, кишилар учун зарур бўлган неъматларни яратади, бу жараёнда инсоннинг ўзи иқтисодий жиҳатдан ривожланиб боради. Ёшлар иқтисодий маданиятининг структуравий тузилишини таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келади;

6) иқтисодий фаолият иқтисодий маданиятнинг ички элементи бўлиб, у алоҳида тизим сифатида ёшларга мотивацион вазифани бажаради ва фаолликка ундайди. Иқтисодий фаолият бу билан чекланмайди, балки у айирбошлаш, тақсимот ва истеъмолни ҳам камраб оладиган фаолликни бошланишидир;

7) иқтисодий фаолият турлари тобора кўпайиб ва тармоқлашиб боради. Агар ҳозирда ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, менежерлик, маркетинг каби иқтисодий фаолият турлари ривожланган бўлса, келажакда хизмат кўрсатиш, ахборот ташиш, йиғиш, сақлаш каби интеллектуал фаолият турларини роли ошиб боради;

8) иқтисодий фаолият ва фаоллик бир томондан инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда ва иккинчи томондан ишлаб чиқариш жараёнидаги кишилар ўртасидаги муносабатлар даражасини кўрсатади. Иқтисодий фаолият турларини тўғри танлаб фаоллик кўрсатиш иқтисодий маданиятда янгича қарашларни келтириб чиқаради;

9) иқтисодий онг ва унинг структурасини иқтисодий маданиятдаги ўрнини таҳлил қилишда шу нарса аниқландики, иқтисодий онг иқтисодий жараёнларнинг оддий, пассив инъикоси эмас, балки борлиқни ўзгартиришнинг фаол воситаси бўлиб, ижодий характерга эга субстанционал асосдир;

10) иқтисодий онгнинг структураси, унинг даражалари, шакллари ва ҳолатлари воқелиқни кишиларнинг иқтисодий манфаатлари орқали акс

эттиради, у доимо амалий мақсадларга йўналтирилган бўлади. Иқтисодий онг иқтисодий фаолият орқали воқелашади, реаллашади, айна замонда у иқтисодий фаолият ва муносабатларни назорат қилади, тартибга солади, йўналтиради, унинг натижаларидан хулосалар чиқаради;

11) иқтисодий маданиятнинг асосий мақсади ёшларда тадбиркорлик маданиятини шакллантириш билан меҳнат маданиятидан тадбиркорлик маданиятига ўтишни мақсад қилиб олган, жамиятда тадбиркорлик маданияти тамойилини субъект-объект муносабатларига асосланган бир бутун шаклда тақдим этиш;

12) Ўзбекистон ва дунё давлатларининг тадбиркорлик маданиятини қиёсий таҳлил қилиш, маданиятлараро ва функционал ёндашувлар асосида уларнинг ривожланиш даражаси аниқлаш, уларнинг ривожланиш давридаги оқилона ва иррационал жиҳатларини аниқлаш зарур;

13) тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос шаклини яратишда ижтимоий-маданий ва тарихий ролини очиқ бериш, ёшлар тадбиркорлик маданиятининг анъанавий ва инновацион йўллари бирлаштириш, иқтисодий ижтимоий-маданий анъаналарини тиклаш зарурлиги аниқланди;

14) ривожланиш даври жамиятидаги макроиқтисодий омиллар, асосан, тадбиркорлик маданиятини шакллантиришда салбий роль ўйнаши ва жамиятда аномия ҳолатини шакллантириши асосланган;

15) ёш тадбиркорнинг маданиятининг индивидуализм, рационализм, эркинлик каби қадриятларини фаоллаштириш, эркин бизнес ташкил қилишда ахлоқий-эстетик талабларни устуворлигини сақлаш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат маданияти ва тадбиркорлик маданияти иқтисодий маданият таркибий элементлари ҳисобланади, шунинг билан бирга бошқа элементларни бирлаштириб туради;

16) Янги Ўзбекистонда ёшларда иқтисодий маданияти трансформациясининг асосий йўналишларини таҳлил қилиш ва иқтисодий маданият функцияларини ўрганиш натижасида иқтисодий маданият кўп вазифали бўлиши, ўзгартириши, билиш, муомала, баҳолаш, лаззатлантириш, ахборот ташиш, тарбиялаш, янгилаш каби вазифаларни бажариши асосланди;

17) иқтисодий маданият умумий маданият тизимида интегратив вазифани бажарса, унинг структурасига кирган қисм элементлари умумий вазифаларни бажаради. Моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг ортиб бориш қонуни иқтисодий маданият вазифаларининг кўпайиб бориши ва интенсивлашувини тақоза қилади. Иқтисодий маданият ва анъаналар бозор иқтисодиётини имконият даражасида иқтисодий эркинликни акс эттириб, иқтисодий муносабатлар шакллари, хўжалик юритиш усуллари иқтисодий маданиятнинг мазмунига ижобий таъсир этади;

18) иқтисодий маданият бозор қадриятларига асосланса иқтисодий рационализм, инновация, иқтисодий тарбиянинг турли хил шакллари, юқори субъективлик, иқтисодий субъектларни институционал қадриятларга йўналтириш, шериклик, меҳнат муносабатларининг юқори маданияти,

самарали меҳнат унумдорлигига сабаб бўлади. Иқтисодий маданият патернализмга асосланса унинг таркибий қисми ҳомий-мижоз муносабатлари, минимал ишчи кучи стратегияси, қиёсий психология, иқтисодий тажрибасизлик, қийматга асосланган ва рационал характер, консерватизмни рўёбга чиқаради;

19) ёшлар иқтисодий маданиятининг фаол трансформацияси уларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатида, хулқ-атворида, уларнинг жамият иқтисодий ҳаётидаги иштирокида акс этиб боради. Ёшларнинг инновацион фаолияти мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, субъективлик жиҳатидан шахснинг ўз-ўзини англашини шакллантирадиган дунёқараши асосларини аниқлаш ва унинг муайян тарихий ижтимоий-маданий муҳитни кўриб чиқишни тақозо этади;

20) ёшлар иқтисодий маданиятига креатив ёндашувга кўра, ижод ҳақидаги тасавурларни янгиликка қаратилган креатив фаолият ва ақлий-назарий меҳнат фаолияти сифатида назарда тутадик, булар креатив-назарий фаолиятнинг ижтимоий-маданий йўналганлигини белгилайди. Инновацион янги маҳсулотни яратиш бўйича изланиш, ривожлантириш ёки технологик ишларни амалга ошириш, тизимли, илмий, технологик ва инновацион башорат қилиш, индикатив режалаштириш, мақсадли дастурлаш, янги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ишларни иқтисодий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади;

21) ёшларнинг иқтисодий маданиятини ривожланиши уларнинг кайфиятига ҳам боғлиқ бўлади. Бутун дунёни қамраб олган пандемия шароитидаги умидсизлик, иқтисодий ўсишни пасайиши, иқтисодий воқелик ҳақидаги мафкуралаштирилган қарашларнинг кўплаб стереотипларидан халос бўлишга олиб келди. Жамият тараққиётига ҳалақит берган коррупциоген омилларнинг босқичма-босқич бартараф этилиши ёшларнинг иқтисодий фаоллиги янада ошишига олиб келади. Ёшларнинг манфаатлари доирасида имтиёзлар кенгаймоқда, иқтисодий эркинлик ва молиявий эркинликка интилиш кучаймоқда. Ёшларнинг инновацион хатти-ҳаракатлари - бу икки томонлама таъсир хусусиятига эга бўлиб, у бир томондан, бу жамиятни сифатий ўзгартириш воситаси бўлса, иккинчи томондан, ўзаро таъсир субъектларининг ўз ташаббусини доимий равишда ривожлантириш жараёнидир.

Юқоридаги хулосалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ёшлар иқтисодий маданиятини инновацион хусусиятини жамлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш марказларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини илмий ўрганиш институтлари билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ;

2. Ёшлар иқтисодий маданиятини ривожлантириш мақсадида иқтисод, молия ва фалсафа ихтисослигидаги таълим йўналишидаги бакалавр ва магистр талабалари учун “Иқтисод фалсафаси” фанини жорий қилиш ва бу мазкур

йўналишдаги талабаларни дунёқарашига креативлик асосида таъсир кўрсатишга асос бўлади;

3. Янги Ўзбекистон шароитида етакчи олийгоҳлар қошида инновацион марказлар (Innovation senter) очиш ва талабалар, магистрлар, докторантларни илмий ишланмаларини мувофиқлаштиришга кўмаклашиш, кашфиётларни, инновацион ғояларни молиялаштиришга кўмаклашиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ДЖУРАЕВ ЛУКМОН НАРЗУЛЛАЕВИЧ

**ТРАНСФОРМАЦИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ
В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ УЗБЕКИСТАНА – КАК
ИННОВАЦИОННО СОЦИО-КУЛЬТУРНЫЙ ФЕНОМЕН**

09.00.03 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (DSc)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.3.DSc/Fal69.

Диссертация выполнена при Самаркандском Государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице (www.samdu.uz), по адресу (www.ziynet.uz) информационно-образовательного портала “ZiyoNet”.

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный консультант: | Яхшилик Яхшилик доктор философских наук, профессор |
| Официальные оппоненты: | Хажиева Максуда Султановна доктор философских наук, профессор Тўйчиев Бердикул Туракулович доктор философских наук, профессор Мухторов Азамат доктор философских наук, профессор |
| Ведущая организация: | Бухарский государственный университет |

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, дом 15. Тел: (0366) 239-13-87, (0366) 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирован за номером ____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, дом 15. Тел: (0366) 239-13-87, (0366) 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40)

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(Протокол рассылки от «___» _____ 2021 года за номером ____)

Ш.Ш.Негматова

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На современном этапе развития цивилизаций динамика межкультурных отношений между странами все интенсивнее меняется. В частности, сегодняшняя конкуренция, в которой усиливаются культурные обмены, тесно связана с борьбой за человеческое мышление и геополитическое влияние. Человеческое мышление приводит к радикальным изменениям в социально-политическом развитии, увеличению стратегических ресурсов глобализации и глобализации, переориентации некоторых сфер общества на информацию и знания и организации нового общества в целом. Совершенствование систем связи в мире, тенденция роста числа высокотехнологичных продуктов, известных как инновации, и ускоренный рост мировой экономики приводят к влиянию транснациональных компаний. Это, в свою очередь, ставит на повестку дня необходимость разработки метода-инструмента для выявления влияния повышения экономической культуры на каждого гражданина, особенно на молодежь, и устранения существующих проблем.

В мировой науке проводятся практические и фундаментальные исследования, которые связаны с формированием экономической культуры молодежи. В частности, большое значение имеют научные исследования по теоретическим, методологическим, концептуальным вопросам формирования экономического сознания и культуры молодежи, важным политическим факторам, влияющим на них, и педагогическим основам инноваций, развитию экономической культуры молодежи и влиянию инноваций на благосостояние общества. В то же время сегодняшние радикальные изменения вызывают необходимость дальнейшего развития экономической культуры молодежи, формирования способности адаптироваться к быстро меняющимся экономическим условиям, формирования реальных социально-экономических прогнозов для всех субъектов экономической культуры, повышения эффективности социально-экономической деятельности государства и философских исследований.

Мамлакатимизда бугунги кунда ёшлар сиёсати асосий устувор йўналишга айланган бўлиб, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий маданиятини ошириш, тадбиркорлик фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. “Если мы сможем развить предпринимательскую инициативу в нашей молодежи, научить их правильному использованию средств, у нас будут решены не только экономические, но и многие социальные проблемы”³². При выполнении этих задач, прежде всего, в результате все более углубляющихся

³² Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакни, тадбиркор халқ – фаравон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. 2018 йил 7 декабрь. Тошкент – “Ўзбекистон”, 2019. -Б. 23.

экономических реформ требуется новый уровень экономического мышления, мировоззрения и качественно высокий уровень экономической культуры. В связи с этим поиск инновационного решения для повышения экономической культуры молодежи, изучение их законодательства, принципов и критериев остается актуальным вопросом социально-философских исследований.

Данное научное исследование в значительной степени послужит выполнению задач, изложенных в таких нормативно-правовых документах, как: указы Президента Республики Узбекистан № УП-4947 “О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, № УП-5106 “О повышении эффективности государственной политики в отношении молодежи и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана” от 5 июля 2017 года, № УП-5975 “О мерах по коренному обновлению государственной политики по развитию экономики и сокращению бедности” от 26 марта 2020 года и постановление Президента Республики Узбекистан за № ПП-4862 от 13 октября 2020 года “О дополнительных мерах по совершенствованию системы вовлечения населения в предпринимательство и развитию предпринимательства”.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации.³³

Исследования по вопросам взаимосвязи труда, предпринимательства и деловой культуры в формировании экономической культуры молодежи, тенденций развития экономической культуры и инновационных вопросов экономической культуры проводятся в следующих исследовательских центрах и университетах мира: Institute of Humanities and Social Sciences (Польша), London School of Economics UK (Англия), Institute of Labor Economics (Германия), Role in Knowledge-Based Economy and Society (Румыния), Санкт-Петербургский государственный университет (Россия) и Национальный университет Узбекистана, Самаркандский государственный университет (Узбекистан).

В мире проведен ряд научных исследований по вопросам развития экономической культуры, функциональности экономического сознания и предпринимательской культуры, экономических потребностей человечества и развития практического туризма, экономической активности молодежи, в том числе получены следующие научные результаты: основан тот факт, что

³³ Обзор зарубежных исследований по теме диссертации был сделан на основе ниже приведенных и других источников: <http://www.lse.ac.uk>, <https://www.iza.org>, <http://www.kiitedu.in>, <http://www.ppwsz.edu.pl>, <https://www.plymouth.ac.uk>, <https://www.nih.gov>, <http://www.rd.ccu.edu.tw>, <http://www.msui.e.ru>, <http://vuz.edunetwork.ru>

экономическое благополучие может быть достигнуто путем обеспечения гармонии экономического сознания и культуры молодежи (Institute of Humanities, Social Sciences and tourism, Польша); выявлены взаимовлияния между собой развития инноваций и высоких технологий в результате глобализации экономических проблем (London School of Economics UK, Англия); обоснованно влияние на благосостояние общества развитие экономической культуры молодежи и инновационная экономика (Institute of Labor Economics, Германия); выявлены практические примеры анализа потребностей и предложений экономики и общества, теоретические, методологические и концептуальные вопросы экономической культуры молодежи, а так же, методов оценки человеческого капитала (Role in Knowledge-Based Economy and Society, Румыния); разработаны важные, политические факторы, педагогические основы формирования экономического сознания молодежи, тесно взаимосвязанные с экономической культурой (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Россия); обоснованно взаимовлияние функции экономической культуры личности с различными формами культуры (Национальный университет Узбекистана, Самаркандский государственный университет, Узбекистан).

Проводится ряд исследований по изучению взаимосвязи между экономикой, политикой и культурой в мире, в том числе по следующим приоритетным направлениям: роль молодежи в экономической жизни общества, ее отношение к труду и предпринимательству; права интеллектуальной собственности, молодежная деятельность в государственных и негосударственных организациях; изменение экономических ценностей и возможностей, предоставляемых молодым людям институтами гражданского общества; изменение экономических ценностей и возможности предоставляемых молодым людям институтами гражданского общества; анализ экономических требований и предложений в обществе, разработка и эмпирическое исследование методологии, охватывающей сопоставимые качественные и количественные данные по теоретическим, методологическим и концептуальным вопросам экономической культуры молодежи; пересмотр социально-философских основ адекватного и более точного понимания экономического поведения молодежи.

